ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ

ТАШМЕТОВА ГУЛЧЕХРА ТАЛИПОВНА

ЙИРИК САНОАТ МАРКАЗИ АХОЛИСИ ОРАСИДА ЎСОКни БАРВАҚТ ТАШХИСЛАШ ВА РИВОЖЛАНИШИНИ ОЛДИНИ ОЛИШГА ЁНДОШУВНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

14.00.05- Ички касалликлар

ТИББИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ -2021

УЎК: 616.24-036.12-084-07

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Ташметова Гулчехра Талиповна
Йирик саноат маркази ахолиси орасида ЎСОКни барвақт ташхислаш ва ривожланишини олдини олишга ёндошувни такомиллаштириш..... 3

Ташметова Гулчехра Талиповна
Оптимизация подходов ранней диагностики и профилактика прогрессирования ХОБЛ среди населения крупного промышленного центра..... 23

Tashmetova Gulchekhra Talipovna
Optimization of approaches of early diagnostics and prevention of progression of chronic obstructive pulmonare disease among the population of a large industrial centre..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works..…….. 46

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ

ТАШМЕТОВА ГУЛЧЕХРА ТАЛИПОВНА

ЙИРИК САНОАТ МАРКАЗИ АХОЛИСИ ОРАСИДА ЎСОКни БАРВАҚТ ТАШХИСЛАШ ВА РИВОЖЛАНИШИНИ ОЛДИНИ ОЛИШГА ЁНДОШУВНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

14.00.05- Ички касалликлар

ТИББИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ -2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.1.PhD/Tib467 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Ливерко Ирина Владимировна** тиббиёт фанлари доктори
Расмий оппонентлар:	**Хамраев Аброр Асрорович** тиббиёт фанлари доктори, профессор
	Садикова Гулора Абраровна тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	**Самарқанд давлат тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашининг 2021 йил «____»_____ соат ___ ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел/факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru.

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2021 йил «____» _____ да тарқатилди.

(2021 йил «____» _____ даги _____рақамли реестр баённомаси)

А.Г. Гадаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.А. Набиева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

А.Л. Аляви
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ўпканинг сурункали обструктив касаллиги (ЎСОК) тиббий ва ижтимоий аҳамияти тобора ортиб бормоқда, бу юқори ногиронлик ва ўлим даражаси тенденциялари билан тавсифланади. Жахон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, «...ЎСОК 2020 йилда бутун дунё бўйлаб DALY йўқотишларининг 5-сабабига айланди ва ўлим кўрсаткичлари бўйича биринчи учликка кириб, 2030 йилга келиб тамаки истеъмол қилиш юқумли бўлмаган касалликларнинг ривожланишида ва ўлим кўрсаткичларини ортишида етакчи сабабларидан бирига айланади...»[1]. ЎСОКни бошланғич босқичларида даволаш чораларини ўтказиш учун диагностик мухим бўлган эрта клиник белгиларни ва бронхиал обструкция мезонларини бахолаш, барвақт диагностикани оптималлаштириш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Дунёда ЎСОК билан касалланган беморларни барвақт аниқланиши ва даволаш тактикасига ёндошувнинг юқори самарадорлигига қаратилган қатор илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Бу борада, ЎСОК тарқалишининг кўпайиш сабабларини асослашга йўналтирилган чора-тадбирлар; респиратор касалликлар билан боғлиқ хасталаниш вазиятини таҳлил қилиш ва аҳолига пулмонологик ёрдамни кўрсатиш даражасига эксперт баҳо бериш; ўпканинг сурункали обструктив касаллиги ривожланиши ва кучайишини прогноз қилишда маҳаллий ва тизимли иммунитетнинг иммунобиологик белгиларини баҳолаш; касаллик ривожланишида қайталанувчи ўткир респиратор инфекцияларининг хамда тизимли яллиғланишнинг ўрнини баҳолаш алоҳида аҳамиятга эга. Шунингдек, беморларнинг барвақт бирламчи, турғун ногиронлигини қайд этиш мезонларини ишлаб чиқиш, касалликни олдини олишга қаратилган профилактик дастурларни яратиш каби тадбирлар муҳим ахамият касб этади.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, аҳоли орасида турли даражадаги сурункали касалликлар тарқалишини камайтириш ва олдини олишга қаратилган қатор вазифалар юклатилган. «...Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, касалликларни эрта ташҳислаш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизматини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни олдини олиш...»[2] каби вазифалари белгиланган. Юқорида қайд этилган вазифалар сурункали обструктив ўпка касаллиги билан касалланган беморларнинг хаёт сифатини яхшилаш мақсадида, тизимли яллиғланиш пайдо бўлишини ва экстрапулмонал асоратларни олдини олиш усулларини такомиллаштириш орқали касалланиш, ногиронлик ва ўлим кўрсаткичларини камайтириш, беморлар ҳаёт сифатини яхшилашга хизмат қилади.

---

[1]World Health Report. Geneva: World Health Organization. Available from URL: http:/www.who.int/whr/2014/en/statistics.htm; 2014.

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сонли «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 мартдаги ПФ-4985-сон «Шошилинч тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш чора – тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017 - 2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдамни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 13 февралдаги ПҚ-4191-сон «Ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пулмонология ёрдами кўрсатиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари хамда мазкур фаолиятга тегишли бўлган бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотларнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналиш VI. "Тиббиёт ва фармакология" йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. ЎСОК тарқалганлигини ўрганишга қаратилган тадқиқот ишлари дунёнинг кўплаб етакчи тадқиқот марказлари ва олий ўқув юртлари томонидан амалга оширилган. BOLD проектига асосан қишлоқ шароитида яшовчи 70 ёшдан ошган хар иккинчи эркак кишида ЎСОК ташхисланган (Жукова О.В., 2017). ЎСОКда юзага келадиган гипоксемия хаёт сифатини пасайтирган, ўпка гипертензияси пайдо бўлган ва ривожланиб борган. Хуружларни тезлашиши газ алмашинуви бузилишига, касалликни тез ривожланишига, хаёт сифати пасайишига ва экономик харажатлар кўпайишига олиб келган (Чучалин А.Г. ва хаммуал., 2014). Максимал ўлим кўрсаткичлари чекувчиларга хос бўлиб, уларда ЎСОК нинг чуқур белгилари ва нафас функциясининг орқага қайтмас бузилишлари кузатилган (Шмелев Е.И., 2004).

Наслий мойиллиги бўлган кишиларда, узоқ вақт зарарли моддаларни ингаляциясидан кейин юзага келувчи персистик яллиғланиш, ЎСОКни бронхитик иммунтанқис ва эмфизематоз аутоиммун фенотиплари ривожланишига олиб келган (Новиков Д.К., Смирнова О.В., 2014). Махаллий секретор иммунитет кўрсаткичларини ўрганиш бирламчи ва иккиламчи профилактика имконини берган, ва энг мухими оддий хамда хавфсиз йўл билан касалликни барвақт ташхислашга ёрдам бериши исботланган (Теплова, С.Н., 2002). Donaldson G.C. ва бошқ. (2002, 2005) касалликнинг ривожланиши ва рецидивлари нафас етишмовчилигига ва ногиронликка сабаб бўлувчи ўпканинг морфологик ўзгаришларига олиб келишини аниқлашган.

Ўзбекистонда ЎСОК муаммосини ўрганиш бўйича Убайдуллаев А.М., Ливерко И.В., Аралов Р.Н., Убайдуллаева К.М. (2010-2015йй.) илмий тадқиқотлар ўтказилган. ЎСОК ривожланиши, авж олиши ва нохуш оқибатлар эхтимолининг хавф омиллари, беморларнинг нутритив ҳолати аниқланган (Ливерко И.В., Убайдуллаева К.М., 2010; Убайдуллаев А.М., 2012; Убайдуллаева Н.Н., 2018; Муминов К.П., 2019). Тадқиқот натижаларига кўра, бизнинг республикамизда ЎСОК ривожланишида хавонинг хлорорганик

бирикмалар билан химик ифлосланганлиги, бронхиал гиперреактивлик ва чекишнинг юқори ахамияти аниқланган.

ЎСОК туфайли аҳоли соғлиғига етказилган зарар илмий тадқиқотчилардан ЎСОКни эрта ташхислаш ва аҳолини кенг кўламли текшириш учун скрининг усулларни ишлаб чиқиш ва асослаш, жорий этиш ва касаллик ривожланишининг замонавий белгиларини излаш, маҳаллий ҳимоя омиллари ва юқумли касалликдан кейинги иккиламчи иммунитет танқислиги синдромининг касаллик ривожланиш эхтимолидаги ролини баҳолаш хисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказида илмий тадқиқот режасига мувофиқ, № ФДСС-30-5 “Тамаки чекувчи беморларда сурункали обструктив ўпка касаллиги (СОЎК) нинг тарқалиши, клиникаси ва патогенезининг ўзига хос хусусиятлари” мавзусидаги илмий лойиха доирасида бажарилган (2015-2017 й).

Тадқиқотнинг мақсади йирик саноат маркази ахолиси орасида ўпканинг сурункали обструктив касаллигини барвақт ташхислаш ва ривожланишини олдини олишга ёндошувни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

йирик саноат маркази доирасида респиратор касалликлар билан боғлиқ хасталаниш вазиятини таҳлил қилиш ва аҳолига пулмонологик ёрдами кўрсатиш даражасига эксперт баҳо бериш;

йирик саноат маркази аҳолиси ўртасида хавф омиллари нуқтаи назаридан респиратор симптомлар ва функционал бузилишлар учраш тезлиги ва уларни ўпканинг сурункали обструктив касаллиги тарқалишига таъсирини аниқлаш;

ўпканинг сурункали обструктив касаллиги ривожланиши ва кучайишини прогноз қилишда маҳаллий ва тизимли иммунитетнинг иммунобиологик белгиларини баҳолаш;

ўпканинг сурункали обструктив касаллиги кучайиб боришини олдини олиш ва даволаш, барвақт фенотипик ташхислаш мезонларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида пулмонологик скрининг босқичида 20 ёшдан 60 ёшгача бўлган аҳолининг 3000 нафар шахслари, шунингдек, респиратор симптомлари бўлган гуруҳ (1076 киши) ва 306 та ЎСОК билан касалланган беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида иммунологик хамда биокимевий тадқиқотлар учун беморлар веноз қони, зардоби ва балғам олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумий клиник-лаборатор (мукоцилиар клиренс; секретор иммуноглобулин А; 1β, 10 интерлейкинлар; α-ЎНО, ўпка тўқимасига антитаначалар), функционал (спирография), инструментал (ЭКГ, рентгенография) ва статистик усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ЎСОКнинг тарқалиши ва барвақт ташхислашда ижобий скрининг функционал тестлар билан респиратор симптомлар орасида узвий боғлиқлик аниқланган;

ЎСОК фенотипик кўринишларининг маҳаллий ва тизимли иммун реакциялар иммунобиологик белгиларига боғлиқлиги исботланган;

иммунологик мувозанат ва специфик ўпка антителолар даражасининг ўзгариши касалликнинг бронхитикдан эмфизематоз фенотипга ўтишининг оралиқ босқичи сифатида асосланган;

клиник ва морфо-функционал фенотипик ташхислаш мезонлари асосида ЎСОКнинг персоналлашган базис давоси такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

йирик саноат ахолиси орасида обструктив компонентни ифодаловчи респиратор симптомлар характери, учраш тезлиги ва функционал бузилишлар аниқланган;

тадқиқот давомида ЎСОК ва унинг асоратларини кеч ташхислаш, касалликни юритиш ва беморлар ногиронлигини эрта аниқлашга ёндошув бўйича умумий амалиёт шифокорларида касбий кўникмаларнинг йўқлиги, касалликнинг тарқалиши, унинг ривожланиши ва оғир ногиронликка олиб келувчи асоратларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлган сабаб ва натижалар муносабати аниқланган;

обструктив ва морфофункционал бузилишларни аниқлаш бўйича скрининг тестлар, шунингдек, ЎСОКнинг бемор кундалик ҳаёти ва соғлиғига таъсир даражасини баҳолашга асосланган, беморга йўналтирилган, касаллик ривожланиш темпини пасайтиришга қаратилган эрта базис даво дифференциал механизмлари таклиф қилинган ва ЎСОК ни барвақт фенотипик ташхислашга ёндошув ишлаб чиқилган бўлиб, бу ўз навбатида тиббий калкулятор кўринишидаги дастурий маҳсулот шаклида ўз ифодасини топган;

касаллик ривожланиб боришини пасайтириш мақсадида ногиронликнинг эрта экспертизаси учун ЎСОК билан касалланган беморларни танлашга ёндошув ва кўрсаткичлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот ишида қўлланиладиган назарий ёндашувнинг тўғрилиги, тасдиқланган замонавий, бир-бирининг ўрнини тўлдирувчи клиник-интрументал, лаборатор, молекуляр-генетик усуллар ҳамда етарли даражада беморларнинг сони, ўтказилган таҳлиллар натижаларининг аниқлиги ва статистик ишлов берилганлиги, шунингдек, олинган маълумотларни халқаро ва махаллий тадқиқотлар натижалари билан таққосланганлиги, хулосалар ҳамда олинган натижаларнинг асосланганлиги ва уларнинг ишончлилигини ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мукоцилиар клиренснинг цитокин жавоб тизими орқали амалга ошириладиган маҳаллий ва тизимли иммунитет реакциялари, иммун ва яллиғланиш реактивлик жараёнлари билан ўзаро боғлиқ бўлган морфофункционал мувозанат бузилишларига асосланган, клиник жихатдан бронхитик фенотип билан намоён бўлган иммунтанқис ва эмфизематоз фенотип билан кечувчи аутоиммун фенотиплар шаклланишини ифодаловчи ЎСОК ривожланиши ва кучайиб боришининг механизмларини аниқлаштириш билан изохланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қўлга киритилган натижалар асосида шаклланган амалий тавсияларнинг тадбиқ этилиши, беморларни эрта ташҳислаш ва даволаш режасини тузиш, касалликнинг авж олишини секинлашишига олиб келиши билан ифодаланиб, ушбу натижалар ёрдамида эрта ногиронлик юзага келиш хавфини камайтириш, беморларнинг ҳаёт сифати ва меҳнат қобилиятини яхшилашга эришилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Йирик саноат маркази ахолиси орасида ЎСОКни барвақт ташхислаш ва ривожланишини олдини олишга ёндошувни такомиллаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

ЎСОК билан касалланган беморларни дифференцирланган юритиш бўйича олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган "ЎСОК билан касалланган беморларни дифференцирланган юритиш алгоритми" номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 12 мартдаги 8н-д/51-сонли маълумотномаси). Ушбу услубий тавсиянома ЎСОК билан касалланган беморларнинг ҳаёт сифатини ошишини таъминлаб, эрта ташхис қўйиш ва дифференцирланган юритишни такомиллаштириш имконини берган;

ЎСОК билан касалланган беморларни дифференцирланган юритишни оптималлаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш тизимига, жумладан, Тошкент шаҳрининг Яшнобод тумани марказий поликлиникаси, Тошкент вилояти, Тошкент тумани туман тиббий бирлашмасининг амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 3 апрелдаги 8н-з/66-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши ЎСОК ривожланишининг профилактикасини оптималлаштириш, рецидивлар хавфини ва хуружлар сонини камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 6 та республика илмий - амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 3таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, 6 боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ишнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, диссертация тадқиқотнинг республика фан ва техника тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлигини кўрсатган, илмий янгилик ва натижаларнинг илмий - амалий аҳамияти, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, тадқиқот натижаларининг амалиётга татбиқи, иш натижаларини апробация қилиш ва нашр этиш, диссертация тузилиши тўғрисида маълумотлар келтирилган.

«Ўпканинг сурункали обструктив касаллиги (ЎСОК) муаммосининг замонавий жиҳатлари» номли диссертациянинг биринчи бобида диссертация мавзусидаги илмий тадқиқотларнинг батафсил таҳлили акс эттирилган. ЎСОКнинг тиббий ва ижтимоий салмоғи, этиологик омиллар, патогенез, мегаполюс аҳолиси учун хавф омиллари, касалликнинг клиник хусусиятлари таҳлил қилинган. Эрта ташхис қўйиш муаммосининг долзарблиги ва унинг турлича талқин қилинадиган диагностик ёндошувларнинг самарадорлиги тўғрисидаги адабиётларўрганилган, ва барвақт ташхислаш, касаллик ривожланиш темпини бахолашга бағишланган тадқиқотларни давом эттириш зарурлиги исботланган.

«Клиник материалнинг умумий тавсифи ва тадқиқот усуллари» деб номланган иккинчи бобида кўп компонентли тадқиқотнинг услубий тузилиши акс эттирилган, шу жумладан нафас аъзолари касалликлари бўйича статистик ҳисоботларни таҳлил қилиш, Тошкент шаҳридаги тиббиёт муассасаларида аҳолига кўрсатилаётган пулмонологик хизматни стандартларга мувофиқлигини эксперт баҳолашни ўрганиш дизайни тасвирланган; ЎСОКни аниқлаш учун эпидемиологик скрининг ва уни ривожланиш хавф омиллари, клиник ва статистик тадқиқотлар ёритилган.

Касалликни аниқлаш учун эпидемиологик скрининг саноат марказининг 3000 нафар аҳолиси ўртасида ўтказилди, ва умумий амалиёт шифокорлари учун ЎСОК сўровномаси ишлатилди (Diseases A Guide for Primary Care Physicians, 2005). ЎСОК ташхиси халқаро GOLD (2017) мезонларига мувофиқ қўйилган.

Беморнинг клиник ҳолати аналог шкалалар ёрдамида хансираш даражаси (Medical Research Council/MRC), ЎСОКнинг кундалик ҳаёт ва соғликка таъсири (COPD Assessment Test/CAT) бахоланган ва касаллик оқибатларини фоизда 4-йиллик яшаш индекси (БОДЕ) ва антропометрик параметрлар ўлчови (бўйи, вазни, тана вазни индекси (ТВИ)) орқали баҳоланган.

Текширилувчиларнинг функционал ҳолати скрининг синовлар билан – жадаллаштирилган нафас чиқариш вақти (6 сониялик синама), нафас олиш ва чиқариш вақтида максимал нафасни ушлаб туриш синамаси (Штанге-Генча синамаси) ва "оқим-ҳажм" эгри чизиғининг спирометрик параметрлари «MicroLab» аппаратида баҳоланган. Жисмоний машқларга чидамлилик 6 дақиқалик юриш синамасида баҳоланган.

Асоратларнинг электрокардиографик диагностикаси ўпка гипертензияси ва юрак ўнг бўлимларини гипертрофиясининг тўғридан-тўғри ва билвосита ЭКГ белгиларини таҳлил қилиш йўли билан амалга оширилган, V_1 –V_6 кўкракдаги R ва S тўлқинларини Соди-Полларис интеграл индексларини - R/SV_5/ R/V_1 ва ўпка артериясидаги систолик қон босими қуйидаги формула бўйича: (елкадаги қон босими х Кс) /1.56, бу ерда Кс - фоиз йиғиндиси сифатида аниқланган умумий ЭКГ коэффициенти, $(RV_1/R_1+SV_1)+ (RV_2/R_2+SV_2)+ (RV_3/R_3+SV_3)$ фоизлар йиғиндиси нисбатини $(RV_4/R_4+SV_4)+ (RV_5/R_5+SV_5)+ (RV_6/R_6+SV_6)$ ҳисоблаш орқали бахоланган.

Цитокинлар текшируви интерлейкинлар - 1β, 10, ЎНО-а қонда ферментлар билан боғланган иммуносорбент таҳлилининг сендвич варианти [Mosman T.R., 1998], ўпка тўқималарига махсус тўқима антитаначалари -

пассив гемаглютинация реакцияси орқали, секретор иммуноглобулин А - иммунфермент тахлил усулида ЁАЖ «Вектор Бест» (Новосибирск, Россия) синов тизимлари ёрдамида, мукоцилиар етишмовчилик – Amelli усули бўйича сахарин тести натижаларига кўра аниқланган.

Статистик таҳлил STATISTICA 13.3 дастури ёрдамида амалга оширилган. Жадвалларнинг барча қийматлари ўртача (M ± м) ўзгарувчанлик қаторининг ўртача арифметик қиймати сифатида келтирилган. Статистик гипотеза сифатида $p < 0.05$ ва $p < 0.01$ қийматлари (95.5% ва 99% ишончлилик даражаси билан) ишлатилган. Гуруҳлар орасидаги ўртача қийматларни таққослаш учун t Стьюдент жуфт мезони ишлатилган. Таҳлил қилинаётган кўрсаткичлар ўртасидаги муносабатларни аниқлаш учун r корреляция коэффициенти ёрдамида корреляцион таҳлил ўтказилди ва унинг аҳамиятини t Стьюдент ва χ^2 Пирсона мезонлари ёрдамида текширилган.

«Респиратор патология билан касалланиш бўйича эпидемиологик вазият ва аҳолига пулмонологик ёрдам кўрсатиш даражасини эксперт баҳолаш» учинчи бобида нафас аъзолари касалликлари (НАК) билан касалланиш, унинг табиати, Тошкент шаҳрининг йирик саноат маркази, аҳолига пулмонологик ёрдам ва мутахассисларни тайёрлаш даражаси тўғрисидаги маълумотлар бўйича вазият таҳлили келтирилган. Қайд этилишича, Тошкент шаҳри аҳолисининг бирламчи касалланишида НАК 25,1%ни ташкил қилган, бу ерда НАК таркибида сурункали ва аниқланмаган бронхит, эмфиземанинг улуши 3,16% ни ташкил қилган. Тошкент шаҳрида катталардаги "сурункали ва аниқланмаган бронхит, эмфизема" бўйича касалланиш кўрсаткичи республика кўрсаткичидан (1424 та 100 минг аҳолига нисбатан 760 та) 1,9 баравар юқори ва бу касалланиш кўрсаткичининг 23,9% ошиши билан тавсифланган. Сўнгги 3 йил ичида, шунингдек, нафас олиш аломатлари билан касалланганлар сонининг 2,6 баробар кўпайиши кузатилган. Бу ЎСОКни тиббий-ижтимоий салмоғини ва эрта ташхислашнинг аҳамиятли эканлигини белгилаган.

Тошкент шаҳридаги оилавий поликлиникаларда назоратда турадиган 1076 нафар респиратор белгилари бўлган кишилар орасида касаллик нозологик тузилишини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, 61,4% «сурункали бронхит, аниқланмаган, эмфизема» (СБ) ташхиси ва атиги 5,5% - ЎСОК ташхиси қўйилган беморлардир. Ташхисни аниқлаштириш бўйича кенгайтирилган чора-тадбирлар сурункали бронхит ташхисини, илгари ушбу ташхис билан кузатилган одамларнинг 30,1 фоизида тасдиқлаган ва 28,8 фоиз одамларда турли даражадаги ЎСОК аниқланган, бу ерда оғир ва ўта оғир босқичларнинг улуши 41,9% ва 23,9% ни ташкил этган, шундан 83,9% киши 5 йилдан ортиқ вақт давомида респиратор симптомлар билан поликлиникада кузатилган.

ЭКГда ўнг юракнинг зўриқиш кўрсаткичлари ва ўпка гипертензияси биринчи бор ЎСОК ташхиси қўйилганларнинг 44,1% ва 38,6% да аниқланган. Ушбу касалликларнинг салмоқли қисми ЎСОК респиратор шикоятлари билан 10 йилдан ортиқ бирламчи тиббий ёрдам муассасаларида кузатувда бўлганлар орасида қайд этилган (1-расм).



1-расм. Юрак ўнг бўлимларини зўриқиши ва ўпка гипертензияси ЭКГ белгилари

ЎСОК ташхиси қўйилган ва 10 йилгача респиратор анамнези бўлган беморларда касаллик обструктив бузилишларнинг функционал синф даражаси оғирлашиши билан юрак ўнг бўлимларида зўриқишнинг ЭКГ белгиларини аниқлаш тезлиги 1,9% дан 19,2% га (p <0,05), кузатиш муддати 10 йилдан ортиқ бўлганларда - 4,6% дан 26,7% гача (p <0,05) ошган. Ўпка гипертензияси ЭКГ белгиларини кузатганда хам, шундай натижа қайд этилган (2-расм).



2-расм. ЎСОК оғирлик даражаси ошиши билан ўпка гипертензияси учраш тезлигини ва респиратор симптомлар стажини кўпайиши

Бу ҳолат ташхис қўйиш ва беморларни юритиш тактикасида инобатга олинмаган, натижада бу касалликнинг ривожланиш хавфини келтириб чиқарган ва беморнинг ҳаёт сифатини сақлаб қолиш имкониятларини сезиларли даражада пасайтирган.

GOLD халқаро кўрсатмалар стандарти мезонларига тиббий маълумотномалардаги ёзувларнинг номувофиқлигини акс эттирувчи нуқсонлар: шикоятларни тавсифлашда ва анамнезни йиғишда, ташхислаш, юритиш ва даволаш бўйича (81,9%); ташхис қўйиш ва уни асослаш учун клиник ва инструментал текширувларнинг тўлиқлиги ва етарли эмаслиги (98,1%); ташхисни нотўғри шакллантирилганлиги (90,6%); давони ноадекватлиги (81,3%) аниқланган.

ЎСОКни ташхислаш ва юритиш менежменти ушбу муаммо бўйича шифокорларнинг базавий тайёргарлигининг пастлигини акс эттирган: сўровномадан ўтган респиратор касалликлар билан ишлаш амалиёти бўлган

мутахассисларнинг 64,3% ЎСОК нозологик мансублигини касалликлар йиғиндиси сифатида нотўғри аниқлаган; 63,6% гача мутахассислар - ЎСОК ташхисининг функционал параметрларини нотўғри аниқлаган, касаллик ва унинг асоратларини аниқлашда функционал текширувлар ўтказиш маҳоратига эга эмас; 64% гача ЎСОКнинг даволаш асосларини ва 67% ЎСОКнинг хуружлар давосини билишмаган. Билимларнинг етишмаслиги кўпинча барвақт ташхис қўйилмаслигига, касалликнинг кучайиши ва беморларнинг ҳаёт сифатини пасайишига сабаб бўлган.

Диссертациянинг **«Хавф омиллари таъсирида респиратор белгилар ва функционал бузилишларнинг учраш тезлиги ва йирик саноат маркази аҳолиси орасида ўпканинг сурункали обструктив касаллигини тарқалиши»** тўртинчи бобида йирик саноат ахолиси орасида хавф омиллари ва улар экспозициясининг респиратор белгилар табиати ва тезлигига таъсири, обструктив касалликни эрта ташхислашда уларнинг диагностик аҳамиятини баҳолаш, ва уларнинг табиатга таъсири йирик саноат марказида яшовчилар ўртасида нафас олиш аломатлари ва функционал нафас олиш бузилишларининг тез-тез учраб туриши, касаллик фенотипик холати ва экзоген зарарли омилларини инобатга олиб, ЎСОКнинг тарқалишини аниқлаштирилганлиги ҳақидаги маълумотлар берилган. Йирик саноат марказининг аҳолиси орасида йўтал 9,6%; балғам - 7,7% ва хансираш - 5,8% сўровномадан ўтган кишиларда қайд этилган. Респондентларнинг 1,5 фоизида якка респиратор белгилар қайд этилиб, бу ерда йўтал 1,14% ва хансираш эса 0,40% ни ташкил қилган. Белгиларнинг биргаликда келиш тезлиги «йўтал ва балғам» хамда «хансираш ва йўтал» муносабати 3,0% ва 0,74%ни ташкил этган. Респондентларнинг 4,7 фоизида «йўтал-балғам-хансираш» респиратор «учлик» қайд этилган. Респиратор «учлик» нинг учраш тезлиги 30 ёшгача бўлганлар гуруҳида 1,0% дан, 50 ёшдан ошганлар орасида 8,4% гача бўлиб, ёшга боғлиқлиги аниқланган. Респиратор белгиларнинг хавф омилларига боғлиқ равишда: чанг таъсирида «йўтал» (2,2%), «йўтал-балғам» - кимёвий таъсирда (10,2%), «йўтал- балғам - хансираш» - чекиш пайтида (20,0%) ва юқори нафас йўлларининг қайталанувчи инфекциясида (18,5%) кузатилиш хусусиятлари аниқланган (3-расм).



3-расм. Хавф омиллари таъсирида симптомлар учраш тезлиги

Чекиш омили интенсивлигига кўра, чекувчи индекси (ЧИ) 40 пачка-йилдан (п/й) юқори бўлган одамларда респиратор симптомларнинг 4-5 баравар

юқори эканлиги қайд этилган (4-расм). Респиратор симптомлар ўсишининг ўхшаш тенденцияси касбий зарарли омиллар билан ишлаш стажида қайд этилган: «йўтал-балғам» симптомлар йиғиндиси учун 1,7% дан 5 йилгача иш стажида ва 4,9% гача - 30 йилдан ортиқ стажда кузатилди; «Йўтал-балғам-хансираш» 0,7% дан 30 йилгача иш стажи билан 19,8% гача - 30 йилдан ортиқ иш стажига эга (p <0,05) кишиларда кузатилган.



4-расм. Респиратор белгилар ва чекиш омили интенсивлиги

Нафас олиш йўлларининг обструкциясини акс эттирувчи мусбат функционал тестлар скрининг текширувидан ўтганлар орасида 84,9% ни ташкил этган, шу жумладан, жадаллаштирилган нафас чиқариш вақтини кўрсатадиган 6 сонияли синама 23% холатда, чуқур нафас олгандан кейин нафасни 40 сониядан кам ушлаб туриш (Штанге синамаси) - 32,3% ва нафас чиқаргандан кейин нафасни 30 сониядан камроқ ушлаб туриш (Генче синамаси) - йирик саноат маркази аҳолисининг 29,6%да кузатилган. Ёш улғайиши билан мусбат функционал синамаларда сезиларли ўсиш кузатилган: 30 ёшгача бўлганлар орасида 6 сонияли синама 5,8% дан 50 ёшдан катталарда 31,4% гача ўсиши; Штанге синамасини мутаносиб равишда 8,2% дан 45,3% гача ва Генче тести - 30 ёшгача бўлганлар орасида 2,3% дан 43,5% гача - 50 ёшдан катталарда ўсиши кузатилган (p <0,01). Штанге ва Генче мусбат синамалари кўпроқ аёлларда, эркакларда эса 6 сонияли синамалар кузатилган (p<0,01).



5-расм. Мусбат функционал синамалар ва хавф омиллари

Респиратор касалликлар хавфли омилларининг мусбат функционал синамалар билан боғлиқлиги 5-расмда келтирилган ва уларнинг учраш тезлиги хам зарарли хавф омилларининг интенсивлигига боғлиқлиги аниқланган. Таъкидланганидек, мусбат функционал синамалар 5 йил иш стажига эга бўлганларга қараганда ва умумий когортага нисбатан 30 йилдан ортиқ иш стажига эга одамлар орасида анча юқори (p <0,01). Чекишнинг интенсивлигига боғлиқ бўлган, шунга ўхшаш маълумотлар бор, у ерда мусбат 6 сонияли синаманинг учраш тезлиги, ЧИ 10 п/й бўлган одамларда 3,3%ни, 40 п/й бўлганларда 64,2% ни ташкил қилган.

Мусбат функционал синамаларнинг диагностик аҳамиятини обструктив касалликлар диагностикаси учун "олтин стандарт" мезонлари билан таққослаганда 3та мусбат синама 89,1% ҳолатда вентиляция ўзгаришининг обструктив хусусиятини тасдиқлаши аниқланган. «Йўтал-балғам-хансираш» каби белгилар мажмуаси бўлган текширилувчиларда - 6 сонияли, Штанге ва Генче синамалари – мутаносиб равишда 94,3%, 81,6% ва 95,7% холда мусбат функционал синамалар кузатилган, «Йўтал-хансираш» - 90.9%, 77.3% ва 95.4% ни, «йўтал» белгисида- текширилганларнинг 58.8%, 70.6% ва 82.3% да мусбат синамалар қайд этилган.

Йирик саноат маркази аҳолиси орасида ЎСОКнинг тарқалганлиги 8,8% ташкил этганлиги аниқланган. Шахсларнинг 2,2 фоизида илгари ЎСОК ташхиси қўйилганлиги, 6,6 фоизида ЎСОК ташхиси фаол скрининг ёрдамида бирламчи аниқланганлиги қайд этилган.

ЎСОКнинг тарқалганлиги бўйича олинган натижалар кўп ҳолатларда умумий эпидемиологик қонунларга мос келади ва хавф омилларига боғлиқ. Жинс бўйича кўрсаткичларнинг фарқлари χ^2 Пирсон ёрдамида баҳоланган ва 17,94 ташкил қилиб, статистик жиҳатдан аҳамиятли (p<0,001). ЎСОК учраш эхтимоли эркакларда аёлларга қараганда 1,8 марта кўп (95% ИИ: 1,3-2,3). Ёш улғайган сари касаллик эркаклар (6,7% дан 18,9% гача, p <0,01) ва аёлларда (4,8% дан 9,8% гача, p <0,01) кўпаяди. 40 ёшгача ЎСОК касаллиги 6,4% (аёллар орасида 4,9% ва эркаклар орасида 7,2%), 40 ёшдан кейин 10,2% (аёллар орасида 7,0% ва эркаклар орасида 13,7%) ташкил қилиши кўрсатилган. Кўрсаткичлар орасидаги фарқлар χ^2 Пирсон мезони ёрдамида баҳоланган ва статистик жиҳатдан аҳамиятли эканлиги кўрсатилган (χ^2 19.2 ва p <0.001). 50-59 ёш гуруҳида ЎСОК учраш эҳтимоли 20-29 ёш гуруҳига нисбатан 2,41 баравар юқори (95% ИИ: 1,6-3,6). Ушбу мутаносиблик эркаклар (14,5% га нисбатан 70,5%; OR 3.2; p <0,01; 95% ИИ 2.0-5,2) ва аёллар (78,9% га нисбатан 7,7%. OR 3.6; p <0,01; 95% ИИ 1.6 - 8.3; p <0.01) орасида кузатилган.

Чекувчиларда ЎСОК касаллиги 30,4% ни ташкил қилган. Чекиш омилининг бўлиши, бўлмаслигига нисбатан ЎСОК ривожланиш эҳтимолини 9,7 баравар оширган (95% ИИ: 7,4-12,7). Омил ва ЎСОК орасидаги боғлиқлик кучини баҳолаш мезонларига кўра, боғлиқликнинг ўртача кучи аниқланган (φ 0.348 мезонига ва Пирсоннинг мутаносиблик коэффициенти 0.328 га кўра). ЧИга кўра ЎСОК 2,2 баравар кўпайиши (ЧИ 10 п/й гача бўлганда 26,2%, 40 п/й.дан ортиқ бўлганда 58,4% гача) кузатилган, шунингдек ЧИ интенсивлиги, вентиляцион бузилишларнинг оғирроқ кечишига олиб келган. Чекувчилар орасида ЧИ 40

п/й.дан ортиқлиги ЎСОК пайдо бўлиш эҳтимолини 10 п/йга қараганда 2,2 баравар ошириши аниқланган (χ2 10,4; OR 3,94; 95% ИИ: 1.6-9,4). Чекиш интенсивлиги омили ва ЎСОК касаллиги ўртасидаги боғлиқлик кучини баҳолаш мезонларига кўра, уланишнинг ўртача кучи кўрсатилган (φ0,224 мезонига ва Пирсоннинг мутаносиблик коэффициенти 0.219 га мувофиқ).

Касбий омили бўлган кишилар орасида ЎСОК 10,5%ни ташкил қилган. Касбий зараралар шароитида 5 йилгача ишлаганлар орасида ЎСОК касаллиги 5,8% ни ташкил этди ва 15 йилдан ортиқ ишлаганларда - 10,5% (χ^2 2,34, p <0,001; OR 1,89; 95% ИИ 0,8-4,3). Иш стажи интенсивлиги омили ва ЎСОК ўртасидаги боғлиқликнинг кучи аҳамиятсиз φ0,069 мезонига ва Пирсоннинг мутаносиблик коэффициенти 0.068 га мувофиқ).

Юқори нафас йўлларининг такрорланувчи инфекциялари кузатилган кишиларда ЎСОК 20,4% ни ташкил қилган.

«Ўпканинг сурункали обструктив касаллигида маҳаллий ва тизимли иммунитетнинг иммунобиологик маркерлари» деб номланган диссертациянинг бешинчи бобида «биринчи» мудофаа чизиғининг иммунобиологик маркерлари - мукоцилиар клиренс (МЦК) ва секретор иммуноглобулин А (sIgA) даражаси, уларнинг ЎСОК ривожланиб бориши ва иммунологик фенотипларини белгилайдиган тизимли иммунитет бузилиши билан алоқаси кўрсатилган.

ЎСОК бўлган беморларнинг 80,8%да шиллиқ пардалар тузилишидаги морфологик ва функционал бузилишлар аниқланди, улар таъм зарраларини элиминация вақтининг ўртача 32,5 ± 1,4 дақиқагача кўпайиши билан тавсифланган, шундан 64,4% ЎСОК бўлган беморларда элиминация вақтининг 22,5 ± 0,5 дақиқагача узайиши билан МЦК бузилишининг I даражаси кузатилган, беморларнинг 13,8 %да - 38,7 ± 0,9 дақиқагача - II даража, вақтни ва III даражада элиминация вақти 59,6 ± 0,4 дақиқагача узайиши кузатилган. МЦКнинг яққол бузилишлари: 40 ёшдан катталарда, уларда элиминация вақти 40 ёшгача бўлган беморлар гуруҳига нисбатан 53,2%га ошади (p<0.001); ЎСОК бўлган чекувчилар орасида чекмайдиганларга қараганда (p<0,001) 37,8%га ва чекиш индекси 40 п/й.дан кўп бўлган, ЎСОК бўлганларда - 66,7% га (p <0,05); касалликнинг 15 йилдан ортиқ давом этганларда - 37,8% га (p <0,001); касалликнинг оғир босқичида - 17,8%га (p<0,05) ва ЎСОКнинг эмфизематоз ва бронхитик-эмфизематоз фенотипларида - 26,9%га (p<0,001) узайиши кузатилган. Элиминация вақти ва бемор ёши (r = 0,25), чекиш стажи (r = 0,21), чекиш интенсивлиги (r = 0,17) ва ЎСОК билан касалланиш стажи (r = 0,20) ўртасида заиф тўғридан-тўғри корреляцион боғлиқлик аниқланган.

Маҳаллий иммунитетни ҳимоя маркери сифатида sIgA даражасини баҳолаш, ЎСОК билан касалланган беморларнинг 6,1%да sIgA даражасининг 0,4 ± 0,14 г/л гача пасайиши ва бу назорат даражасидан 3,9 баравар камлиги қайд этилган (1,56 ± 0,22 г/л). Беморларнинг 68,4%да sIgA даражасининг ўртача 4,1 ± 0,11 г/л гача ўсиши кузатилган, бу соғломлар назорат даражасидан 2,6 баравар юқори бўлиб, иммун тизимдаги дисбалансни кўрсатган. Мослашув жараёнларида маҳаллий иммунитет тизимининг реакцияси оғир клиник ва функционал ҳолатли беморларда сезиларли даражада бузилганлиги аниқланган, ва sIgA дефицити 7,9% кузатилиб, ЎСОКнинг хуружлари 1 йилда 2 дан кўп

бўлганда - 15,4% ва эмфизематоз фенотипда - 10,8% холатда учраши аниқланган (1-жадвал).

1-жадвал

Ўпканинг сурункали обструктив касаллиги мавжуд беморларда sIgA миқдорининг кўрсаткичлари

Белги		n	sIgA,% даражасининг кўрсаткичлари		
			Пасайиши	Норма	Кўпайиши
ЎСОК стадияси	I-II	51	-	12(23,5±5,9)	39(76,5±5,5)
	III-IV	63	5(7,9±3,4)	18(28,6±5,7)	40(63,5±6,1)
			p<0,01	P> 0,05	p<0,01
ЎСОК фенотипи	бронхитик	40	3(7,5±4,2)	10(25,0±6,8)	27(67,5±7,4)
	эмфизематоз	37	4(10,8±5,1)	10(27,0±7,3)	23(62,2±8,0)
	Бронхитик-эмфизематоз	37	-	9(24,3±7,0)	28(75,7±7,0)
			p<0,01	P> 0,05	P> 0,05
ЎСОКнинг бир йилдаги хуружлар сони	1 марта	8	-	1(12,5±12,5)	7(87,5±12,5)
	2 марта	67	1(1,5±1,5)	17(25,4±5,3)	49(73,1±5,4)
	2 мартадан кўп	39	6(15,4±5,8)	10(25,6±7,0)	22(56,4±7,9)
			p<0,01	p < 0,05	

ЎСОК билан касалланган беморларда респиратор инфекция хуружларида sIgA секрециясининг меъёри бактериал хуруж чўзилиши, тизимли иммун бузилишлар чуқурлашиши ва аутоиммун жараёнлар ривожланишини қўллаб-қувватлайди. Таъм зарраларини элиминация вақти ва sIgA даражаси ўртасида заиф тескари корреляцион боғлиқлик аниқланган (r = -0,24).

ЎСОК бўлган беморларда, касалликнинг клиник - функционал даражаси ва фенотипи оғирлашишини билдирадиган яллиғланишга олиб келувчи цитокинларнинг (1β ИЛ ва ЎНО-а) сезиларли ўсиши иммунореактив регуляция бузилганлигини кўрсатиши аниқланган (2-жадвал).

2-жадвал

Ўпканинг сурункали обструктив касаллиги мавжуд беморларда яллиғланишга олиб келувчи ва яллиғланишга қарши цитокинлар миқдори ва иммун жавоб йўналиши

Белгилар		n	Цитокинлар даражаси, пг/мл			α -ЎНО / 10 – IL
			1β IL	α -ЎНО	10 - IL	
Ўпканинг сурункали обструктив касаллиги босқичи	I-II	51	2,25±0,1	7,87±0,9	4,8±0,01	1,7±0,23
	III-IV	63	2,23±0,1	12,8±1,3	4,68±0,01	2,74±0,3
				p<0,01	p<0,01	p<0,01
Ўпканинг сурункали обструктив касаллиги фенотипи	Бронхитик	40	2,41±0,1	10,3±1,2	4,66±0,2	2,22±0,3
	Эмфизематоз	37	1,95±0,03	21,0±3,8	5,0±0,1	4,20±0,7
	Бронхитик-эмфизематоз	37	2,02±0,1	14,0±1,5	4,6±0,1	3,1±0,4
			$p_{б-э}$<0,01	$p_{б-э}$<0,01		$p_{б-э}$<0,01
			$p_{б-э}$<0,01	$p_{б-с}$<0,01		$p_{б-с}$<0,05
Ўпканинг сурункали обструктив касаллигини бир йилдаги хуружлар сони	1 марта	8	1,85±0,1	6,87±0,9	3,8±0,01	1,7±0,18
	2 марта	67	2,25±0,1	10,8±0,2	4,66±0,01	2,5±0,18
	2 мартадан кўп	39	2,45±0,03	21,0±1,8	5,2±0,1	4,20±0,3
			p<0,01	p<0,01	p<0,01	p<0,01

ЎСОКнинг III-IV оғирлик босқичида I-II даражаларга нисбатан ЎНО-а ни 62,6%га ва соғлом одамга нисбатан 2,2 баробарга ошиши (5,7 ± 0, 5 пг / мл), бронхитик-эмфизематоз ва эмфизематоз фенотипларида бронхитик фенотипга нисбатан ЎНО-а мутаносиб равишда 35,9% ва 104%га ўсиши қайд этилиб, бу кучайиб бораётган хужайравий апоптоз холатини белгилаган. Яллиғланишга қарши цитокин ЎНО-а даражаси баланд ЎСОК билан касалланган беморларнинг 84,6%да яллиғланиш чақирувчи 10-IL цитокинининг 54,5% ҳолатда кўтарилганлиги ва 45,5% ҳолларда нормал даражада эканлиги кузатилган. 1β-IL га нисбатан хам шу холат такрорланиб, унда 1β-IL даражасининг 100% га ўсганда 10-IL фақатгина 47,4% ҳолатда кўтарилиши ва 52,6% ҳолларда кўрсаткичнинг нормал даражадалиги қайд этилган.

ЎСОК оғирлик даражаси ва 1β-IL орасида тўғридан-тўғри кучсиз корреляцион боғлиқлик (p = 0.16), α -ЎНО–ўртача кучлилик (p = 0.31) ва 10-IL билан кучсиз (p = -0.12) тескари корреляцион боғлиқлик аниқланган.

